Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 28 сентябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 73 (6770)

Даъват

Жонсиз вужуднинг қиммати йўқ. Бинобарин, одам вужуд булса, унинг жони мактабдир.

Садриддин АЙНИЙ.

Ибрат

Бекобод ғишт заводи жамоаси ўз маблағи ҳисобидан 16 нафар ишчи хизматчи фарзандининг суннат тўйини ўтказди. Шаҳар ҳокими Жалолиддин Насриддинов тўйболаларнинг ҳар бирига 500 сум пул қўйилган омонат дафтарчаларини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ «ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилгани, унинг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани эътиборга олинсин.

2. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тугатилган Маданият жамғармаси, «Истеъдод» жамғармаси, «Ижодкорлар» жамғармаси, Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси ҳамда «Ёдгорлик» жамиятининг барча мол-мулки ва маблағларининг ҳуқуқий вориси бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш;

ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъати намуналари ва тарихий-маданий қимматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг ўзвий қисми сифатида фойдаланиш;

республикадаги ва чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли танлов, аукцион, фестивалларни уюштириш, ижодий-илмий делегациялар алмашиш;

истеъдодли ёшларни танлаб, уларнинг ижодий камолотига моддий ва маънавий ҳомийлик қилиш;

ўз ва давлат дастурини бажариш учун маблағларнинг маълум қисмини мамлакатимиздаги ва хориждаги фаолият ҳисобидан, шу жумладан, қўшма корхоналар очиш йўли билан жамғаришдан ва уставда белгиланган бошқа ҳайрли ишлардан иборат эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма таъсисчилари ва ҳомийларининг ҳамда маданий-илмий жамоатчиликнинг мазкур жамғармани моддий-маънавий жиҳатлардан кенг қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойлардаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бўлимларини ташкил этиш, уларни бино ва моддий-техника ашёлари билан таъминлаш масалаларини бир ой муддат ичида ҳал қилсинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент шаҳар Шодлик қўчасидаги 6-уйни ҳовлиси ва ҳовлидаги барча қурилишлари билан бирга белгиланган тартибда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасига ҳақ олмасдан мулк қилиб берсинлар.

Жамғарма жойлашган бинони миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш ишларини 3 ой муддат ичида тугаллаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига (Азимов Р. С.) юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамасининг заҳирасидан 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

Жамғарма дастурига биноан чет эллардан миллий бойликларимизни сотиб олиш учун, хорижий мамлакатларга экспедициялар уюштириш ҳамда ўзининг асосий фаолияти доирасидаги буюртмалари бўйича норезидентлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валюталарга айирбошлаш ҳал этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, жамғарма, унинг бўлимлари ва унга қарашли корхоналар уставида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича:

ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият ва тижорат билан шуғулланишга ҳақлидирлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод қилинган.

9. Жамғарма раиси моддий-маиший, транспорт ва тиббий таъминот шароитларига кўра тегишли равишда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Оммавий ахборот воситаларига «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 1 апрелдаги 188-сон, 1987 йил 11 декабрдаги 501-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 12-сон ва 1993 йил 19 майдаги 238-сон қарорлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимовга юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 сентябрь.



— Мана бу клавишни боссанг, экранда биз аниқлашимиз керак бўлган масаланинг ечими кўринади! — дейди ўқитувчи Бахтиёр Каримов ўз ўқувчисига.

У Чилонзор туманидаги 138-мактабда муаллим. Математик. Эндиликда унга «Правец» электрон ҳисоблаш машинасининг ишлаш жараёнини ўргатиш гап бўлмай қолди.

Ўзбекистон давлат рамзлари — улар биз учун қадрли, азиз ва фахр.

2-бетга қаранг.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда ўтказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионатида катта ютуқларга эришганликлари учун Ўзбекистон Бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси Артур Григорян «Меҳнат шуҳрати», Ўзбекистон Бокс федерацияси федерацияси раиси ўринбосари Владимир Шин «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар.*

● *Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Американинг Кейс кредит компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Марказий Осиёда биринчи бўлиб «Ўзкейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси тузилди.*

● *АҚШнинг Вашингтон шаҳрида «Жаҳон иқтисодиётига ўтиш» деб номланган журналистлар халқаро семинари ўз ишини бошлади. Унда жумладан Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар иқтисодиёти масалаларига ҳам кенг ўрин берилмоқда.*

● *Грозний аҳолиси қонун — тартиботни муҳофаза этишда Россия — Чеченистон комендатураларига кўмаклашишмоқда. Уларга жойлар, алоқа воситалари ажратилган. Ҳозирча қурол олиб юришга рухсат берилмаган.*

● *Греция социалистик партияси сайловлардаги ғалабасидан сўнг ушбу партия ҳукумати қасамёд қабул қилди. Улар энди тўрт йил фаолият кўрсатишади.*

БИР МАКТАБДА УЧ СОАТ

308-ўрта мактаб Тошкентнинг Қорасув даҳасида жойлашган экан. Ўша ёққа борувчи автобусга чиқиб мактаб сари йўл олдим. Бизни мактаб директори Ҳасан Исматуллаев кутиб олди. Ҳовлидаги одатий саломалик, сўрашувдан сўнг, у кишининг хонаси томон юрдик. Ҳасан ака, илмий бўлим мудири Дилбар Пулатовалар билан гурунгимизни бошладик.

— Ҳасан ака, аввало, мактаб ҳақида бироз маълумот берсангиз.

— Мактабимиз, агар таъбир жоиз булса, Мустақиллигимизнинг тенгдоши. 1991 йил сентябрдан иш бошлаган. Ҳозир 940 ўқувчимиз бор. Олтмиштдан ошиқ муаллимларимиз уларга сабоқ беришяпти.

— Ҳозирги давр мактаби бундан беш-олти йил илгариги билим масканиларидан тубдан фарқ қилади. Энди даврга қараб қадам ташланмаса, аро йўлда қолиб кетиш мумкин. Шундай эмасми?

— Албатта. Биз ҳам ўша талабни ўзимизга асосий мезон қилиб олганмиз. Юқори синфларда табақалаштирилган синфлар ташкил этганмиз. Уларга асосий фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Шу сабабли, битирувчиларимизнинг натижалари чакки эмас. Ҳар йили 50-60 фоиз ўқувчимиз олий ўқув юртига киряпти. Бу йил ҳам 50 нафар битирувчимизнинг 30 нафари ўқишга кирди. Менимча, бу ёмон кўрсаткич эмас.

(Давоми 3-бетда).

Диққат! Муштарийлар сизлар учун!

ЯҚИН ҲАМРОҲ, КЎМАКДОШ ВА ТАЯНЧ

«Газета» — ҳаётнинг кўзгуси. Унингсиз ўз фаолиятимни тўла тасаввур қила олмайман. Ўқитувчи бўлганим учун, айниқса, «Маърифат» газетасининг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Унинг саҳифаларидаги кичик-кичик хабарлардан тортиб, таълим соҳасининг муаммолари қўтарилган репортажларгача, илғор педагогик жамоалар тажрибаларининг таҳлилий талқинларидан тортиб, қадриятларимиз ва халқимиз тарихи ўз ифодасини топган мақолаларгача — ҳамма-ҳаммаси муаллим ўз ишида ижодий фойдаланиши учун, фикрий бойиши ва изланиши учун қайнарбулоқ манбадек туюлади менга.

Бу йил севимли газетамиз саҳифаларида буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Сиртқи дарс» рукни остида ёритилган тарихий-илмий очерклар туркуми, «Иқтисод сабоқлари» рукни остида узлуксиз берилаётган иқтисодий масалаларга оид назарий-илмий мақолалар, таълимдаги ислоҳотлар муносабати билан янги концепциялар, янги дастурлар, ўқув режалари ва ундаги ўзгаришларга доир материаллар, янги дарслик ва қўлланмалар ҳамда улардан фойдаланишга оид мутахассислар тавсиялари, тест топшириқлари ва бошқа шу сингари қўплаб материаллар ёритилдики, булар, менимча, ҳар бир педагог ва тарбиячи учун энг зарур қўлланма ва йўлланма вазифасини ўтай олади.

«Маърифат»га 20 йилдан бери мунтазам обуна бўлганим-

(Давоми 4-бетда).

РАҚОБАТ

Японияннинг ЕС корпорацияси олимлари суперкомпьютер яратиб, уларни АҚШ компанияларига 4 баравар арзон нархда сотишга киришдилар. Агар марҳаматнинг бирор ғаразли томони бўлса, конгресс қабул қилиши кутилаётган фонд қонунига кўра, япон маҳсулотини олишга бош-қош бўлганлар маошдан маҳрум бўлар эканлар.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

30 ЙИЛЛИК ТАРЖИМА

А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» романи Японияда 1921 йилдан буён 4 марта таржима этилган бўлса-да, бу асарнинг энг мукаммал шеърий баёни япон адабиётида яқинда юз очди. Уни профессор, шоир Масао Одзава амалга оширди. Бунинг учун унга салкам 30 йил керак бўлди.

КОСМОСДА УЙҚУ КАМ

Ҳар 45 минутда қўёшнинг ботиб чиқишини кузатадиган космонавтлар ҳафтасига 15 соат уйқудан айрилар эканлар. АҚШ миллий космик агентлиги «уйқу дориси» — сунъий мелоталин тайёрлашга киришдилар. Олимлар шу йўл орқали нафақат космонавтлар, балки қарияларни ҳам тўйиб ухлайдиган қилмоқчилар.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Руминия пойтахти Бухарест шаҳри маъмурияти мактабларда санитария аҳволини яхшилаш мақсадида 315 минг доллар маблағ ажратди. Шаҳарда вирусли менингит тарқалиб, 400 киши касалхонага тушди, улардан 40 нафари — мактаб ўқувчилари. Шунинг учун ҳам ўқув йили бир ой кечиктирилиб, 1 октябрдан бошланадиган бўлди.

ҚАРИЛИК ДАВОСИ

Япония ва АҚШ олимлари ўзининг «ишдан чиқиши» билан оламда қарилик бошланишга сабаб буладиган генни топишга эришдилар. Ген ДНК занжирларни «тозалаб» туради. Олимлар ген ишлаб чиқадиган моддани сунъий йўл билан олиш қийин эмас, демоқдалар. Бироқ уни ҳужайраларга етказиб беришни фақат СПИДнинг зарарсизлантирилган вирусигина амалга ошира олар экан.

Фармон ва ижро

КУТУБХОНАЛАР — МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Республикамиз Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони жойларда, омма орасида кенг муҳокама қилинаётгани қувончли ҳолдир. Республика илмий педагогик кутубхонаси биносида мактабдан ташқари муассасалар ва кутубхона ходимларининг ана шу фармонда қўйилган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланган семинар-кенгаши тўрт кунга мўлжалланганги ҳам бежиз эмас.

Семинар-кенгашда Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновнинг «Ўзбекистон мустақиллиги даврида мактабдан ташқари муассаса кутубхоналарининг ишини ташкил қилиш» мавзусидаги маърузасида «кутубхоналар — эл бойлиги» эканлиги таъкидланди.

— Халқ таълими тизимидаги кутубхоналар шахснинг ҳар жиҳатдан уйғун ривожланишига, мактабгача, мактабдан ташқари муассасалар, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус билим юртлари талабаларига хизмат кўрсатади, — деди нотиқ ўз сўзида. — Бироқ бу соҳада муаммолар қаланган ғиштдек қўпайиб кетди. Бу эса таълим муассасалари кутубхоналарининг кундалик вазифаларини тўлиқ адо этишларида қийинчилик туғдираётир. Китобхонлик даражаси ўтган ўқув йилларига нисбатан Тошкент вилоятида 86,5, Наманганда 83,9 фоизга қисқариб кетди. Китоблардан фойдаланиш эса республика бўйича 12,6 фоизни ташкил қилаяпти. Самарқанд вилоятида ўқувчиларнинг китоб ўқиш даражаси энг паст кўрсаткичда, яъни 2,1 фоиздир.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун кутубхоналар фондини комплектлашда бир синф учун кетадиган пул миқдорини аниқлаштириш, уларни оқилона ва етарли миқдорда тақсимлашга аҳамият бериш керак.

Республика халқ таълими вазирлиги бу каби муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Вазирлик томонидан «кутубхоналар ишини такомиллаштириш» комплекс дастури ишлаб чиқилди. Бундан кейинги вазифалар ана шу дастур асосида ташкил этилмоғи керак.

Семинар-кенгаш иштирокчилари, яъни илғор тажриба мактаби вакиллари маърузани қизиқиб тинглашди, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Шуъба машғулотлари ҳам қизиқарли ва кўзатишларга бой бўлди. Кутубхоналар, улар негизида жойлашган қироатхоналар ишини жонлантирмай, такомиллаштирмай туриб, маънавиятни бугунги кун талаби даражасига кўтариб бўлмайди. Шуъба машғулотларига ана шу тушунча ва қарашлар руҳ бағишлади.

Демак, гап битта, хулоса эса яқдил: кутубхоналар энг гавжум, файзли, халққа маънавият меваларини улашадиган қарорғоҳ бўлиши керак.

Семинар-кенгаш бугун ўз ишини якунлайди.

МУХБИРИМИЗ.

Олий ўқув юртларида

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда айрим фанлар учун бош масала — дарслик ва қўлланмалар эканлигини билиш қийин эмас. Афсуски, бирор бир қўлланма-дастурсиз ҳеч қайси фан узоққа бормай, мавжуд умумий тушунчалардан нарига ўтолмасдан депсиниб туриши аниқ ҳолат. Аммо вазиятга қараб иш тутган оқил мураббий бу масалани узил-кесил, маълум маънода ҳал қилиши мумкин экан. Буни биз Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети журналистика факультетида талабаларига немис тилидан сабоқ бериб келаётган Мавжуда Мадаминова иш тажрибасида кўрдик.

М.Мадаминова халқимизнинг «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» деган пурҳикмат ақидасига амал қилиб, ўзимизда бўлмаган фанга доир зарур адабиётлар ўрнини Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонасидан олаётган турли дарсликлар, ўқув қўлланмалари, газета ва журналлар билан тўлдирмоқда. Тадбиркор муаллиманинг Германия элчихонаси билан яқиндан ўрнатган алоқаси самараси ўлароқ талабалар журналистика мутахассислигининг немис тилига асосланган мукаммал дастурлари билан танишмоқда, уларни ўзлаштирмоқда. Жумладан, немис ва ўзбек журналистикаси маданияти, тарихи ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги фарқланишлар ва ўхшашлик томонлари, икки тилни грамматик қиёслаш талабаларни фанга қизиқириб қўймоқда. Буни биз факультет талабаларидан Зафар Омонқулов, Отажон Полвонов, Муаттар Алишбоева ва Фурқат Дадажоновларнинг немис газета ва журналларини ўзбек тилига ҳеч қийналмасдан ўгиришларида кўрдик.

Дарвоқе, яқинда истеъдодли мураббия Мавжуда Мадаминова Нидерландиянинг Маастрихт шаҳридаги Европа Журналистлар марказида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда қатнашиб қайтди. Анжуманнинг бош мавзуи журналистик маҳоратни оширишга қаратилган эди. Унда М.Мадаминова хорижликларга бугунги Ўзбекистон, Президентимиз И.А.Каримовнинг олиб бораётган сиёсати, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар ва буларнинг барчасини таъминлаб турган тинчлик ва барқарорлик хусусида ғурурга тўлиб гапирди. Анжумандан қайтишда у Европа Журналистлар маркази билан шартнома тузиб қайтди. Унга кўра Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети журналистика факультети талабаларидан йигирма нафари навбат билан Германиянинг Бонн, Дортмунд ва Мюнхен шаҳарларидаги журналистика олий ўқув юртларида ва «Зюд Дойче цайтунг», «Шпигел» журналлари редакцияларида, шунингдек, мамлакатнинг радио ва телевидениесида амалий машғулотлар ўтказиб қайтишади. Бунинг натижаси қандай фойда келтириши ҳақида газетхонларга гапириш ортиқча бўлса керак.

Анжуман сўнггида М.Мадаминова Тошкент давлат университети журналистика факультети қошида Журналистлар маркази очиш ҳақидаги ташаббуси билан чиққан эди. Бунга ЮНЕСКО маъмурияти аъзолари жаноб Торбен Кробсн, Тария Виржания хоним, Европа Журналистлар маркази директори Морген Шмидт ва бошқалар хайрихоҳликларини, бу ишга яқиндан кўмак беришларини билдиришди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

КУТУБХОНА ҚУРИЛДИ — ИШ БУНДАЙ БЎЛИБДИ-ДА!

Олтиариқ туманидаги Полвон қишлоғида Исоқов номли жамоа хўжалигининг ташаббуси билан жамоа маблағи эвазига янги кутубхона биноси қурилиб ишга туширилди. Кутубхонанинг очилиш маросимида туман ҳокими Аъзамжон Муҳиддинов, маданият ишлари бўйича ҳоким муовини Тоҳиржон Тожиев, қишлоқ йиғинлари раислари, илғор меҳнат ветеранлари ва қишлоқ аҳли иштирок этди. Полвон қишлоғи яна битта замонавий кутубхонага эга бўлганларидан беҳад хурсанд.

ХУП ФОЙДАЛИ КЕЧАЛАР

Термиз шаҳрининг адиб Собир Термизий номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси томонидан шаҳардаги 4-ўрта мактабда «Соҳибқирон ўгитлари» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди ҳамда тадбир баҳонасида китоб кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Кўргазма асосида кутубхона ходими Зебо Ҳайдарова библиографик (обзор) берди. Кечада Термез давлат университети проректори, тарих фанлари номзоди Баҳодир Тиллаев, Амир Темур ҳаёти ва босиб ўтган йўли, доно сиёсати ҳақида маълумот берди. Фаол китобхон Меҳри Хайитмуродова «Темур тузуклари» китобидан парчаларни ифодали ўқиди. Кечада мактаб ўқувчилари Термиздаги ўқув малака ошириш институти тингловчилари ҳам қатнашдилар.

ЯНА БИР ҚАДАМ

Марҳамат шаҳридаги Андижон гидромелиорация коллежи қошида иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларини ўқитишга ихтисослашган янги лицей-интернат очилди. Бу Марҳамат шаҳридаги иккинчи лицейдир.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

Янги очилган лицейга Андижон гидромелиорация коллежи иқтидорли ўқитувчиларидан бири Муҳаммаджон Шоматов раҳбар этиб тайинланди. Айни шу кунларда лицей-интернат очилиши муносабати билан ташкилий масалалар ҳал қилинмоқда. Бу ерда фаолият кўрсатаётган ташкилий комиссия бўлажак педагогларни танлов асосида ишга қабул қилмоқда.

МУАЛЛИФЛАР: М. КАРИМОВА, А. ЭРАЛИЕВ, Ф. ЭШҚУЛОВ.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, иқбол,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порлаган тоқи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Опамни маҳлиё айлаган диёр!

Барҳаёт ўзбекнинг ўчмас нишони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳаётбахш, она юрт, манго бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Опамни маҳлиё айлаган диёр!

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги шарофати билан «Ўзбекистон» нашриёти ижодий жамоаси ҳам ўта хайрли, савобли ишга қўл урди. Улар Ўзбекистон байроғи, герби, Ўзбекистон мадҳияси ҳамда Президентимиз И. Каримовнинг суратини алоҳида плакат шаклида чоп этди. Бу плакатларда давлатимиз рамзларининг тарихи ҳам алоҳида ифодаланиши, қалбларга туганмас қувонч ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Ватаннома

СУРИБ КЎЗГА ТУПРОҒИН, ЎПАМИЗ ЮРТ БАЙРОҒИН

Узоқ ўтмишдан маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг давлат рамзи, яъни байроғига, гербига эга бўлган.

Давлат байроғи мустақиллик рамзи бўлиб, у халқни ўз атрофига тўплайдиган, яхлит миллатга айлантирадиган, шодиёна ва қувонч пайтларида ҳам, турфа қийинчиликларни енгиб ўтишда ҳам бутун жамиятнинг руҳий-маънавий кучларини бирлаштирадиган муқаддас сиймо бўлиб ҳисобланган.

Озод ва мустақил мамлакатимиз тарихини, миллий руҳини, анъана ва интилишлари мазмунини ўзида акс эттирган республикамиз байроғи бирлашган миллатлар ва турли нуфузли халқаро ташкилотлар қароргоҳларида ҳилпираб туриши, ўзбек халқини, унинг давлатчилигини дунёга танитмоқда.

Жаҳон миқёсида ўтаётган катта анжуманларда, учрашувларда, мусобақа ва беллашувларда давлатимиз байроғининг эркин ҳилпираши, юқори поғоналарга кўтарилишини кўрганимизда беихтиёр қалбимиздан асрий интилишлар ва армонлар ушалгандек бўлади.

Ватанимизнинг барча ёшу қариси қалбида давлат рамзларига бўлган чексиз ҳурмат ва иззат, муҳаббат, ғурур, ҳис ва кечинмаларини тарбиялаш эса ватанпарварлик тарбиясининг бош мезонидир.

Мана бир неча йиллардан бери пойтахт мактаблари ва ўқув тарбия масканларида «Давлат рамзларининг билимдонлари» жамоатчилик кўриклари ташкил қилиниб, ёш авлод онгига уларнинг моҳияти, муқаддаслиги тинимсиз сингдирилмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилаётган бу кўрикларнинг мазмуни ўтган йиллардагидан фарқли улароқ кенг қамровли бўлиб, барча синф ва гуруҳларда, мактаб, туман ва шаҳар миқёсида олиб борилмоқда.

Давлатимиз мадҳияси, рамзларининг туб моҳияти ва мазмунини ўқувчилар чуқур англаб етиши ва билиши борасида туман ва шаҳар халқ таълими бўлими, бошқармалари ходимлари, ҳунар техника билим юртлари раҳбарлари синовдан ўтказилди. Ҳозирда мактаб, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг раҳбарлари ҳам синовдан ўтмоқдалар.

Ўқув тарбия муассасаларида ўтказилаётган бу жамоатчилик кўрикларида маҳаллалар фаоллари, оталиқ ва ҳомий ташкилотлар, жамоатчилик идораларининг ҳам қатнашишлари таъминланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, янги ўқув йилидан бошлаб шаҳар халқ таълими бош бошқармасига қарашли бўлган мактаб, мактабгача тарбия, ҳунар-техника билим юрти, мактабдан ташқари муассасаларнинг синф хоналари, бинолари, давлат рамзлари, Президентимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазмали манбалар билан тўла таъминланиши ўқувчи-ёшлар қалбига давлат рамзларини сингдиришда ижобий самаралар бермоқда.

Ўтказилаётган жамоатчилик кўрикларининг асосий мурод-мақсади шуки, давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси, ҳар биримизнинг қалбимизда ватанпарварлик руҳига бир муқаддима бўлиб қолишини таъминлашдан иборатдир.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи.

ДАВЛАТИМИЗ РАМЗЛАРИНИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

(методик тавсиялар)

Бошланғич синфларда давлатимиз рамзлари ва мадҳияси ҳақида тушунча бериш мақсадида даставвал ҳар бир синфга мослаб бир мавзу танлаб олинади. 1-синфлар учун «Мустақил Узбекистон», 2-синфлар учун «Узбекистон — менинг Ватаним», 3-синфлар учун «Мустақил юртнинг фарзандимиз», 4-синфларга «Давлатимиз рамзлари» мавзуларини танлаб олиш, дарс структурасини тузиш ва шу структура бўйича дарсни ташкил этиш тавсия қилинади.

1-синфлар учун тавсиялар: Мавзу: «Мустақил Узбекистон». 1-синф ўқувчиларига бу дарсни ташкил этишда асосан ўқитувчи фаол бўлиши керак. Дарс ўқитувчининг суҳбати билан бошланади. Хулоса қилиб айтганда, 1-синфда давлат рамзи ва Ватан ҳақида бошланғич тушунчалар берилади. Демак «Мустақил Узбекистон» тушунчасининг мазмуни очиб берилади. Ўқитувчи:

— Азиз болажонлар! Мана беш йилдирки, биз мустақил давлат бўлдик. Узимизнинг еримиз, сувимиз, завод, фабрикаларимиз, дала ва боғларимиз бор. Буларнинг барчаси бизники, келажак авлодларимизники» Мустақил Узбекистонимизнинг тамғаси, байроғи, мадҳияси бор. (Тамға, байроқ тузилиши кўрсатиб таништирилади, уларнинг ранги ҳақида болалардан сўралади, мадҳия ўқитувчи томонидан ёддан ўқиб берилади).

Илк савод ўрганишга келган болаларга тамға, байроқ тузилиши, мадҳиямиз сўзларининг мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қилдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи ўз маҳоратига кўра тамға, байроқ ҳақида эртак тўқиб, қизиқарли савол-жавоб ўтказиб ҳам давлат рамзи ҳақида тушунча бериши мумкин.

2-синфлар учун тавсиялар. Мавзу: «Узбекистон — менинг Ватаним». Бу танланган мавзу ўз ичига нималарни қамраб олганлиги ҳақида ўқитувчи ўқувчиларга тушунча беради. Ўқитувчи:

Биз бу дарсда Узбекистоннинг мадҳияси, байроғи, тамғаси ҳақида суҳбатлашамиз. Узбекистоннинг тарихий алломалари ҳақида қисқача тўхталиб, тамға ва байроқ ҳақидаги ёд олган шеърларимизни айтамиз.

— Узбекистонда кўпроқ ўзбеклар яшайди, шунинг учун ҳам юртимиз Узбекистон деб номланган.

Ўқитувчи:

— Азиз болажонлар! Мустақиликка эришишимиз муносабати билан республикамизнинг тамғаси, байроғи, мадҳияси қабул қилинди. Биз бугун тамғада нималар тасвирланганини ўқиймиз ва шунга мос шеър ва қўшиқлар ўрганамиз.

Тамғамизда тоғлар бор,
Дарёлар бор, боғлар бор.
Сул томони буғдойзор,
Унг томони пахтазор.

Чамбаракка ўралган,
Водий узра қуёш бор.
Ҳурлигимизнинг рамзи
Ҳумо деган қуши бор.

Тамға ранг тасвири асосида қисқача таҳлил қилинади. Сўнгра ҳар бир ўқувчи ўзи ясаб келган байроқчасини кўтариб байроқ ҳақида шеър ва қўшиқлар айтилади.

Байроғимда мовий ранг
Самодан берар дарак.
Оқ рангига доимо
Яхшиликдир муштарак.

Яшил ранги ҳаётдир,
Ҳам яшнаган табиат.
Қип-қизил чизиғида
Яшнагай яхши ният...

— Байроғимизнинг зангори ранги нимани билдиради?

— Осмонимизнинг мусаффолигини, зилол сувни билдиради.

— Яна-чи?

— Амир Темур давридаги байроқнинг ҳам ранги зангори бўлган.

— Байроқдаги оқ ранг нимани билдиради?

— Оқ ранг бизга оқ йўл тилайди, оқ ранг тинчлик, поклик рамзи.

— Байроқдаги яшил ранг нимани билдиради?

— Яшил ранг — табиат, яшнаб турган ҳаёт, ҳосилдорлик, ердаги яшилликни билдиради.

— Қизил ранг-чи?

— Қизил ранг томирларимиздан оқиб турган қонимиз.

— Янги ой-чи?

— Янги ой, мустақиллик рамзи.

Ушбу савол-жавобдан сўнг, «Тамға ва байроқ» ҳақидаги шеърни қўшиқ қилиб айтиб, дарсни тугатиш мумкин.

3 ВА 4-СИНФЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

Давлатимиз рамзларини ифодаловчи мавзу танлаб олинади:

Мавзуни «Мустақил элнинг фарзандиман» ёки «Давлатимиз рамзлари» деб танлаб олиш мумкин.

Узбекистоннинг тамғаси, байроғи, мадҳиянинг ёзилган сўзлари, Узбекистон харитаси дарснинг жиҳози сифатида кўрсатилади. Ўқитувчининг кириш сўзи ва шеъри билан бошланиб, кенг тушунтирилади.

РТМ.

«ҚАНИЙДИ ҲАММА ҒОЛИБ БЎЛСА»

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи М.Шафиев билан суҳбат.

— Маълумки, янги ўқув йилидан бошлаб республикамиз мактабларида «Давлат рамзларининг билимдонлари» деб номланган кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Мазкур танловнинг асосий моҳияти ва бундан кўзланган мақсад нима?

— Энг аввало шуни айтишим керакки, бугунги кунда серқуёш Узбекистонимиз бўйлаб мустақиллигимизнинг 5 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган жуда кўп тадбирларнинг гувоҳи бўлаяпмиз. Тўғрида, байрам — байрамдек, тўй — тўйдек бўлгани яхши. Қолаверса бу тадбирларнинг ҳаммасиям кишига фақат яхши кайфият, бир олам эзгулик бахш этади. Ана шундан келиб чиқиб, Республикамиз мактабларида ўтказила бошланган «Давлат рамзларининг билимдонлари» кўрик-танловларини ҳам Мустақиллик туйимизга бағишлаб ташкил этилган шодиёналарнинг давоми дейиш мумкин. Асосий мақсад ўқувчи ёшларимизнинг ватанга бўлган эътиқодларини мустаҳкамлаш, тарбиялашдир.

— Кўрик-танловнинг асосий шартлари ва уларни ўтказиш муддатлари борасида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Кўрик-танловда умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларнинг барча ўқувчи ёшлари тўлиқ иштирок этиши керак. Кўрик-танловнинг асосий қатнашчилари эса мавзунинг долзарблиги, таъсирчанлиги, мавзуни асосий билиш маҳорати, бадиийлиги ҳамда ижодий ёндашувга катта эътибор беришлари керак бўлади. Негаки, ана шу шартларнинг қандай бажарилишига қараб улар баҳоланадилар. Энди, бу кўрик-танловларнинг ўтказилиш вақтига келсак, биринчи босқич синфлар, курслар ва гуруҳлараро 20 сентябргача ўтди. Иккинчи босқич эса 5 октябргача, сўнгги учинчи босқич 20 октябргача ўтказилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тадбир мамлакатимизда анъанага айланиши керак.

— Мана, кўрик-танловлар ниҳоя топиб, асосий ғолиб аниқланди ҳам дейлик. Унинг тақдири нима бўлади?

— Мен аввало бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтсам. Кўрик-танловимизнинг барча босқичи ғолиблари умумтаълим мактаблари, ҲТБЮ, мактабдан ташқари муассаса директорлари, мактабгача тарбия муассасалар мудиралари, халқ таълими бўлимлари ҳамда бошқармалари, уларнинг касаба уюшмалари, шунингдек, ҳомий ташкилотлар томонидан фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Энди ягона ғолибимиз тўғрисида гапирадиган бўлсам, у биринчи навбатда узи ўқиётган синфнинг, мактабнинг фахридир. Ахир у давлатимиз рамзларининг энг яхши (албатта ўқувчилар орасида) ягона ижрочиси ҳисобланиб қолади-да! Қолаверса, ғолиб келажакда бўлиб ўтадиган байрам тадбирларимизда ўз ижросини намойиш этаверади.

Хулоса қилиб айтганда, ўша тез орада аниқланиши лозим бўлган ғолиб билан ҳозирданоқ жуда-жуда фахрлангим, уни кўкларга кўтариб мақтагим келади. Қанийди, бу кўрик-танловда ҳамма бирданига ғолиб бўлиб қолса! Ахир, ўтказилаётган тадбирнинг энг асосий мақсад-моҳияти ҳам фақат шунинг ўзи, холосда!

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Олимжон ҲАЙИТ.

Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам

ОДДИЙДАН МУРАККАБГА

Ҳозирги кунда комил инсонни тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Янги ўқув йилидан бошлаб 1-синфларда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ўргатила бошланди. Буни ўқитиш учун Истиқлол шарофати билан иккита муқобил дарслик чиқарилди. Бу дарсликлар таълимни янада такомиллаштириш, уни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Таҳтахон Ғаффорова бошчилигидаги ижодий гуруҳ томонидан тайёрланган «Савод» алифбе дарслигини том маънодаги Истиқлол дарслиги дейиш мумкин. Бу дарслик узининг миллийлиги, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгалиги билан менинг диққатимни тортди. Дарсликнинг ўзига хослиги шундаки,муаллифлар олдинги дарсликлардан фарқли улароқ савод ўргатишнинг ажойиб усулини танлашган. Мазкур дарслик республикада биринчи марта такомиллашган савод ўргатиш методикасига асосланиб тайёрланган. Дарсликда тайёрлов даври 2 қисмга бўлинган: биринчиси, ҳарф урганилмайдиган босқич. Бу босқичда болалар ўрганиши лозим бўлган нутқ, гап, сўз, бўғин, товуш, уларнинг унли-ундошга бўлинишини соддагина моделлаштириб (нусхали чизиб) берилган. Иккинчи босқичда бешта унли товушни ўргатиш мўлжалланган.

Маълумки, савод ўргатишда товуш асос қилиб олинади. Шу тамойилга асосланиб муаллифлар ўқувчилар осон ва тўғри талаффуз қиладиган О, У, Ў, А унлиларини олдин ўргатишга эътиборни қаратганлари яхши бўлган.

Такомиллашган савод ўргатишнинг иккинчи асосий тамойили бўғинлаб ўқитишга ўргатиш. Муаллифлар бу тамойилга моҳирлик билан амал қилганлар. Унли товуш ва ҳарфлар ўргатиб бўлингач, савод ўргатишнинг асосий даври Н товуши ва ҳарфини ўргатиш билан бошланади. Нима учун, деган савол туғилади. Чунки Н товуши, биринчидан, болалар нутқида кўп учрайди, иккинчидан осон талаффуз қилинади. Шунингдек, ўқитувчи Н товуши ва ҳарфини ургатиши билан бир неча бўғинлар тузиш, уни ўқувчиларнинг тўғри, тушуниб ўқишига эришиш имконияти пайдо бўлади. Шу мақсадда китобга илова қилинган бўғин жадвали бўғинлаб ўқишга ва ундан сўзлар ҳосил қилишга ўргатишда ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиси бўлиб хизмат қилади.

Такомиллашган савод ургатиш методикасининг яна бир тамойили ўқувчилар нутқида кўп учрайдиган товушларни олдин ўргатишдир. Муаллифлар ургатиш тизимини белгилашда бу тамойилга амал қилганлар. Ундош товушлар тизимининг Н, Л, М, Қ ва бошқалар тарзида белгиланиши худди шу тамойил натижасидир. Қолаверса, боланинг тили чиқиши билан Н, Л, М, Қ товушлари жуда кўп ишлатилишининг гувоҳи бўламиз.

Боланинг нутқида кўп учрайдиган товуш ва сўзларни танлашда муаллифлар «Узбек тилининг изоҳли лугати» (2 томлик) ва бошқа луғатлардан фойдаланганлар. Ҳарфлар қаторини белгилашда, сўзлар ва гапларни тузишда ҳам шу луғат асос бўлган.

Биринчи синф ўқувчилари тилни титратиш орқали ҳосил бўладиган Р товуши, сирғалувчи ундош товушлар (Ф, П, Б, Г, Й, З, С)ни айтишга қийналадилар. Бу товушларни кейинроқ ўтиш мўлжалланганлиги ҳам муаллифларнинг ютуғи ҳисобланади.Сўзнинг бошида учрамайдиган, сўз ўртаси ва охирида учрайдиган сонор товушини ўқувчилар урганиши қийиндир. Бу товушни, албатта, н ва г ундош товушлари ўтилгандан кейин урганиш лозим. Чунки бу товуш н ва г товушларининг қоришиб кетганлигидан ҳосил бўлади. (Баҳор тонги, тонгги шамол эсади). Муаллифлар нг товуши ва ҳарфини ургатишда бу қоидага тўла амал қилганлар.

Ш ва Ч ундош товушларининг урганиш қийин бўлмасада ёзувдаги ифодаси ҳарф бирикмасидан (sh, ch) иборат бўлганлиги сабабли, С ва Ҳ ҳарфлари ўргатилгандан кейингина Ш ва Ч ундош товуш ва ҳарфларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу, айниқса, ўша нингдек, шу вақтгача ёзилган дарсликлардан фарқли улароқ ҳар бир матндаги мазмунга алоҳида эътибор берилган. Бу дарсликдаги расмларда ҳам ўз аксини топган.

Матннинг хулосаси қиссадан ҳисса тарзида ҳикматли сўзлар, мақол ва ибратли фикрлар билан якунланган. Булар «Садоқатли дўст—саодатли дўст», «Мол-мулк билан эмас, ақл билан бой бўл», «Эркин юртим обод элим», «Одобли бола элда азиз», «Кексалар дуоси — олтин», «Олтин олма, дуо ол» кабилардир. Бундай усул болаларни ёшлик йилларидан бошлаб фикр доирасини кенгайтиришга, дунёқарашининг такомиллашувига, ахлоқ-одобини шакллантиришга катта ёрдам беради. Чунки эзгулик болаларнинг онгига қанча эрта сингдирилса, шунчалик мустаҳкам ўрнашади. Бизнинг фикримизча, алифбе урганиб бўлинганидан кейин ҳам бир ёки икки саҳифа билимни мустаҳкамлашга матнлар берилиши лозим эди. Лекин буни нашр имкониятларининг чекланганлиги билан изоҳлаш керак.

Биринчи дарслик бўлгани учун ҳам баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Биз ўйлаймизки, муаллифлар кейинги нашрларда бу камчиликларни тугатадилар. Хуллас, «Савод» алифбе дарслиги узоқ йиллар ёшларни саводли қилиш вазифасини бажаришга ўз ҳиссасини қўшади.

Карима ҚОСИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Низомий номидаги ТДПИ бошланғич таълим кафедрасининг профессори.

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВРИ — 24 СОАТ.

Тайёргарлик даври ўқиш дарслари:

1-дарс. Мустақиллик ҳақида суҳбат. Алифбе («Савод») дарслиги билан таништириш. Нутқ ҳақида тушунча. Оғзаки ва ёзма нутқ.

2-дарс. Гап ҳақида тушунча бериш. «Илмни ўргансанг, олам сеники» расмига қараб сўзлаб бериш ва ундан мавзуни ўргатишда фойдаланиш.

8-дарс. У товуши, бош ва кичик Уу ҳарфлари. «Она ун эламоқда» мавзуидаги расм юзасидан суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

9-дарс. И товуши, бош ва кичик Ии ҳарфлари. «Узбекистон кашталари» мавзуида расм асосида суҳбат.

10-дарс. О, Ў, У, И товуш ва ҳарфларини мустаҳкамлаш. «Табиатдаги жониворлар» мавзуида расм асосида суҳбат.

МУКАММАЛЛАШГАН

11-дарс. А товуши, бош ва кичик Аа ҳарфлари. Абдулла Авлонийнинг «Ари ва кабутар» ҳикоясини расм асосида сўзлаб бериш.

12-дарс. А товуши, бош ва кичик Аа ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Анорзорда» мавзуидаги расм асосида суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

Тайёргарлик даври ёзув дарслари (12 соат)

1-дарс. Ёзув дафтари ва ўқув ашёлари билан таништириш. Улар билан ишлаш қоидаларини тушунтириш. Қўлни ёзишга ўргатиш машқлари.

2-дарс. Қисқа ва узун қия ҳикоя тузиш.

3-дарс. Сўз ҳақида тушунча. «Ўқувчининг кун мароми» расми асосида суҳбат.

4-дарс. Бугин ҳақида тушунча. Ўқув ашёлари расми ҳақида суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

5-дарс. Товуш ҳақида тушунча. Унли ва ундош товушлар. «Оила» мавзуидаги расм асосида суҳбат.

6-дарс. О товуши, бош ва кичик Оо ҳарфлари. «От пойгаси» расми юзасидан суҳбат.

7-дарс. У товуши, бош ва кичик Уу ҳарфлари. Расм асосида «Утинчи қиз» эртагини

Иқтисод сабоқлари

БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТИЗИМИ

Бозор шароитида бошқарувдаги муваффақият бошқарилаётган корхона, ташкилотлар фаолияти, иқтисодий, илмий-техникавий, тижорат, ижтимоий ва бошқа хусусий ахборотларни ўзига хос равишда олиш ва фойдалана билишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Менежментда ўзига ҳос ахборот тизимига эгалик товар ишлаб чиқариш фаолиятини узоқ муддат давом этишига, тезлик билан такомиллашиб боришига, харидоргир бўлишига сабаб бўлади. Бошқарувдаги ахборот тизими кишилар, мижозлар ва услубий йўллар, ўзаро алоқалар, турли алоқадорлик, кадрлар муаммоси каби доимий ҳаракатдаги тизим ҳисобланиб, энг аниқ ахборот йиғиш, таснифлаш, таҳлил этиш, баҳолаш, шунингдек ўз вақтида тарқатишга мўлжалланади. Бошқарувдаги ахборотлар тизимидан товар ишлаб чиқаришда режалаштиришни такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва бу тадбирлар ижроси устидан назорат қилиш мақсадида фойдаланилади. Ахборот тизими муайян изчиллиқда амалга ошириладиган мустақил ахборотларнинг алоҳида гуруҳидан иборат бўлмай, балки бутун бир комплексдир. Бундан кўриниб турибдики, бошқарилаётган корхоналар, ташкилотлар учун ахборот тизимини ягона андоза, қолипга тушириб бўлмайди. Барча бошқарилаётган корхона, ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқарадиган товарига қараб ахборот тизими ҳам турлича кўринишда ташкил этилади. Ҳар бир бошқарилаётган корхона, ташкилот, фирмалар ахборотга бўлган ўз талаб ва эҳтиёжларини ҳамда атроф-муҳитнинг ўзига хослигини эътиборга олиб, ахборот тизимининг турли таркибини (структурасини) қўллайди. Бунда улар ифодалаш, шунингдек, ўзаро қиёслашга имкони бўлган бир қатор талабларни бажаришга эътиборни қаратадилар. Булар ахборотни қайд этиш тезкорлиги, таҳлилийлик даражаси, компьютер техникасини қўллаш, ахборотни узатиш ва ахборотдан фойдаланиш тартибидир.

Бошқарувда ахборот тизими асосан икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси, оператив (тезкор) тизим, иккинчиси ёрдамчи тизим. Оператив тизимлар бошқариш бўйича тадбирлар, яъни қарорлар тайёрлашни ўз ичига олади. Бундай тизим ёрдамчи тизимлардан олинган ахборотлардан фойдаланиб амалга оширилади.

Ёрдамчи тизимлар бошқарилаётган корхона, ташкилот, фирмалар учун зарур бозорни тадқиқ этиш, маълумотларни тўплаш ва уларни тартибга солиш ҳамда маълумотларни олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракат-амалларни ўз ичига олади.

Маркетинг бўйича йирик мутахассис Ф. Котлер ахборот тизимини тўртта ёрдамчи тизим йиғиндисидан иборат деб кўрсатади: ички ҳисобот бериш тизими; ташқи жорий маркетинг ахборотини тўплаш тизими; тадқиқот тизими; ахборотни таҳлил қилиш тизими.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги бошқарувда компьютер техникасини кенг қўллаб, аниқ қарорлар қабул қилишда кундалик ахборотлардан тезкорлик билан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳам бошқарувдаги ахборот тизимларидан ўринли ва унумли фойдаланиш зарурати келиб чиқди. Бундай заруратни қондириш учун товар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича даврий ҳисоботлар, бухгалтерия баланси, товар обороти бўйича маълумотлар, конъюнктура обзорлари, савдо-тақсимот тармоғидаги товарлар ҳақида ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар ички ахборот тизими сифатида юзага келди. Ички ахборот тизимининг ривожланиш йўналишлари товар ишлаб чиқаришдаги ахборотларнинг ўзаро мустаҳкам алоқадорлигига эришиши ҳисобланади. Ҳозирги даврда товар бозорида аниқ бир корхона, ташкилот, фирманинг иштирокини ифодаловчи кўрсаткичларга кам эътибор бериляпти. Бу ўз навбатида товарга нисбатан талаб ва эҳтиёжни билишни қийинлаштиради, шунингдек товар олди-сотдиси муддати узайиб боришига сабаб бўлади. Бундай ҳолат ахборотнинг тақчиллигидандир. Агар ички ахборот тизими аниқ йўлга қўйилса, товар ишлаб чиқаришдаги бир-бирини хабардор қилиш тезкорлиги товар айирбошлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ташқи жорий ахборот тўплаш тизими раҳбарларни энг охирги воқеалар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Бунинг учун бошқарилаётган ташкилот, корхона, фирма ва бошқалар ўзларининг вакилларини ахборот тўплашга қўяди, махсус бўлимлар ташкил этади, ташқи жорий маркетинг ахборотини берадиган бетараф хабарчилар маълумотидан фойдаланади. Ахборот манбалари асосан даврий нашрлар, китоблар, корхона, ташкилот, фирмалар маълумотномалари, каталоглар, статистик маълумотлар тўпламлари, лойиҳа, йўналишлар ҳисобланади.

Бошқариш ахборот тизимида тадқиқотлар тизими алоҳида эътиборга эга. Тадқиқот тизимининг вазифаси, товар ишлаб чиқаришда бошқарувнинг аниқ йўналишлари масалаларини ҳал қилиш, турли тадбирларни аниқлаш учун бозор вазиятини таснифлайдиган маълумотларни мунтазам аниқлаш, йиғиш ва таҳлил қилишдир. Ташкилот, корхона, фирма ва бошқаларнинг бошқарув ташкилий таркибида юқоридаги фаолиятларни бажарувчи бўлим мавжуд бўлади. Тадқиқот тизимида фаолият кўрсатадиган мутахассислар турли масалаларни ҳал этишга жалб этилади. Турли ихтисосдаги мутахассислар — математиклар, социологлар, статислар, психологлар, режалаштириш, моделлаштириш, программалаш бўйича мутахассислар ахборотларни тадқиқот тизимида товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг асосий масалаларини тезкорлик билан ҳал этишга имкон берадилар.

Тадқиқот тизимининг фаолияти ахборотларни таҳлил этиш тизимининг иши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу, албатта, ҳаётий эҳтиёждир. Тадқиқот натижалари доимий таҳлил қилинади. Ахборотларни таҳлил этиш негизида статистика банки ва моделлар банки ётади. Ахборотлар таҳлил этилганда қуйидагиларга эътибор берилади: танлаб олинган маълумотлар билан уларнинг статистик жиҳатдан ишончли бўлиши ўртасидаги ўзаро боғланишга; товар ишлаб чиқаришдаги асосий ўзгаришларни аниқлашга; товар ишлаб чиқаришдаги ўзгаришнинг товар сотилишига таъсирини ўрганишга; ахборотларнинг бошқарувдаги муҳимлик даражасини аниқлашга; ахборотдан унумли, ўринли, оқилона, тезкорлик билан фойдаланиш имкониятларини ойдинлаштиришга ва бошқа шу сингариларга.

Ёрдамчи тизимлар ахборот тизимининг энг мураккаб таркибий қисми ҳисобланади. Республикамизда тижорат-ахборот марказлари, маркетинг, консалтинг хизматлари тобора кўпаймоқда. Улар тайёрлаган материаллар ҳам ривожланган, такомиллашган бозор шароитидаги ахборотларга қўйиладиган талабларга жавоб бермаса-да, уларнинг хизматидан фойдаланиб бошқарилаётган корхона, фирмалар, ташкилотлар товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашда бирмунча ижобий натижаларга эришмоқдалар. Демак, Республика ахборот хизматлари уюшмасини ташкил этиш ҳар қандай ташкилот ишининг малака ва маҳорат даражасини кафолатлаши мумкин.

Ҳозирда Узбекистонда илмий-техника ахбороти билан шуғулланадиган икки юздан ортиқ бўлинма, хизмат ва бўлимлар мавжуд.

Кези келганда шуни айтиш ҳам жоизки, ахборот хизмати ходимлари зиммасига жуда масъулиятли вазифалар юклатилади. Масалан, ривожланган мамлакатларда ялпи миллий маҳсулотнинг 50 дан ортиқроғи ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва қайта ишлаш хиссасига тўғри келади. АҚШда жами ишчи кучининг ярмидан кўпроғи ахборот ходимларига тўғри келади. Иш вақтининг учдан икки қисми ахборот фаолияти турларига сарфланади, иш ҳақининг 67 фоизи ахборот соҳаси ходимларининг меҳнатига тўланади. Бундай ходимларнинг иш ҳақи бошқа хўжалик соҳаларига қараганда 35 фоиз юқорироқдир.

Бундай фактлар бошқаришда ахборот тизимининг бўлиши ва аниқ мақсадга қаратилиши товар ишлаб чиқаришда ва уни айирбошлашда барча бозор иқтисодиётида яшайдиган корхона, ташкилот, фирмалар учун алоҳида эътиборга молик бўлган муаммо эканидан далолат беради.

Корхоналар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг йўлга қўйилиши билан конъюнктура-тижорат ахборотларини йиғиш, сақлаш, таҳлил этиш, сотиш ишини йирик компаниялар, ахборот марказлари, консалтинг, маркетинг хизматлари ўз қўлларига оладилар. Банклар, биржалар, компаниялар, фирмалар корхоналар фаолиятини бошқариб, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз қўлларига тўплайдилар.

Мижозлар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви ҳам амалга оширилади. Бундай алмашинув шартнома асосида олиб борилади.

Ахборот тизимини техникалаштириш айниқса, банк фаолияти, молиявий ҳаражатларни бажариш, кредитлар бериш, валюта ва акциялар сотилишида зарур ва ишончли воситага айланади. Чунки банк операцияларида тезкорлик, аниқлик муваффақият гаровидир.

Кундалик бехисоб ахборотлар оқимида реклама алоҳида урин эгаллайди. Ҳозир, айниқса, товар ҳақида атрофлича маълумот берувчи ҳақиқий рекламага эътибор қаратиляпти. Кўпгина рекламаларнинг таркибий қисми ахборот маълумотлари ва мурожаатнома ҳисобланади. Реклама мурожаатномасига товар ҳақидаги проспектлар, каталоглар, варақалар ва бошқалар қўшиб жўнатилади. Бу ҳам ахборот тизимидаги хизматларни такомиллаштириш йўлларидан бири ҳисобланади. Ахборот воситаси орқали товарлар ҳақида маълумот ва уни айирбошлашдаги самарадорлик ахборот олувчиларни тўғри танлашга боғлиқдир.

Бошқарувда ахборот тизимидан фойдаланишда телекс, телефакс, товарлар картотекаси каби воситаларни кенг қўллаш бозор муносабатларида ижобий натижалар бераяпти. Бозор муносабатларини амалий ташкил этишда бозор, товар ҳақидаги объектив маълумотлар муваффақиятни таъминлайди.

Бошқарувда ахборот тизимидан фойдаланиш бир неча ўзига хос қоидалар йиғиндисини ташкил этади. Булар:

Биринчидан, ахборот банки, маълумотлар хизмати ва бошқалар ҳам бизнес эканлиги. Бу бизнес жуда қимматли ва аниқ бўлиши лозимлиги. Бошқарилаётган корхона, ташкилот, фирма ва бошқаларда маълумот банки мавжуд бўлиши.

Иккинчидан, ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда товарларга янгиликлар киритиш ва такомиллаштириш. Янгиликларни тез жорий этиш.

Учинчидан, ахборот тизими фаолиятидан келиб чиқиб, одамлар энергиясини ва бошқарилаётган ташкилот, корхона, фирма ва бошқалар имкониятини маълум мақсадга сафарбар этиш.

Тўртинчидан, маълумотларни товар ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш. Ахборот тизимидаги ёрдамчи тизимлар фаолиятидан фойдаланиб, янги ғоялар, техника тараққиёти ютуқлари, илмий таҳлиллар натижалари кабиларни товар ишлаб чиқаришда харакатлантириш.

Демак, бошқарувда ахборот тизимидан фойдаланиш товар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ҳам сабаб бўлади.

Зуҳра ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

БИР МАКТАБДА УЧ СОАТ

(Боши 1-бетда)

Компьютер синфимизнинг иши яхши йўлга қўйилгани ҳам ўқувчиларга кўп нарса беряпти. Имтиҳонларни компьютерда олдик. Бундан ташқари Давлат тест маркази «Ахборотнома»сидан ҳам унумли фойдаландик. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдим. Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига раҳмат. Улар «Ахборотнома»ларни ўз вақтида етказиб бериб туришди.

Суҳбатимизга Дилбар Пулатова қўшилди:

— Айниқса, фан олимпиадаларига бизда айрича тайёргарлик кўрилади. Рейтинг воситасида ўқувчилар ажратиб олинади. Дарвоқе, олимпиадаларнинг мактаб босқичини биз 5-синфдан бошлаймиз, голибларни тақдирлаймиз. Бу, биринчидан, ўқувчиларнинг рағбатини оширса, иккинчидан, фанга бўлган қизиқиши ҳам кучаяди. Ҳозирда биз ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтганмиз. Ҳар бир синфда «Рейтинг кузгуси мавжуд бўлиб, ўқувчиларнинг кундалик кўрсаткичлари қайд қилиб борилади. Ўқувчилар ҳам ушбу тизимга мослашиб, ўз билимлари ҳақида ўзлари хулоса чиқаришга ўрганишяпти.

— Бу йилги 1-синф ўқувчилари лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганишга ўтишди. Бу борада қийналиб қолмадиларингизми?

Ҳасан ака жавоб бердилар:

— Саволингизга жавобни узоқроқдан бошламоқчиман. Бизда «Мактаб — маҳалла — оила» алоқаси жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳар йили баҳордан бошлаб, биринчи синфга келадиган болаларни йиғамиз. Уларга машғулотлар ўтамиз. Ва биринчи синфга болалар «Алифбе»нинг баъзи ҳарфлари билан ташишган, мактаб шароитига қуниккан ҳолда келишади. Бу йил ҳам худди шу йўсинда иш тутдик. Синфларга кириб кўрарсиз, 1-синфларимизнинг ёзувлари жуда чиройли, унча-мунча ўқишни ҳам билишади.

— Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Энди, ниятлар кўп. Асосий мақсадларимиздан бири олий ўқув юртлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш. Ички ишлар вазирлиги академияси ва қишлоқ хўжалик университети билан шартнома тузиб, бизнес синфи ҳамда лицей синфларини ташкил этиш, уларга мутахассислар тайёрлаб бериш. Ишларни бошлаб юборганмиз. Ҳал бўлади, деган умидимиз бор.

***

Синфларни, умуман мактабни кўздан кечирмоқ ниятида хонадан чиқамиз. Йўлаклар озода, файзли. Гард-губор йўқ. Директорнинг айтишича, таъмир асосан ўз кучлари ва ота-оналарнинг ёрдами билан амалга оширилган. Туман халқ таълими бўлими ҳам баҳоли қудрат ёрдам берган. 1-синфлар билан қизиқиб қолганимиз учун улар сабоқ олаётган хонага йўналдик. Болалар жуда чиройли салом беришди. Муаллима Дилафруз Олимова экан. Шу ерда Ҳасан ака яна изоҳ берди:

— Дилафрўзхон Тошкент вилояти педагогока билим юртининг охирги босқич толибаси. Билим юрти билан тузган шартномамиз асосида, уларнинг битирувчиларини доимий ишга қабул қиляпмиз. маъқул бўлса, мактабда ишда қолишади.

Дилафрўзхон болаларга ўрганиб кетганлигини, билим юртини тугатиб, шу мактабда ишлаб қолишлигини билдирди. 1-синфлардаги дарслар бизда жуда яхши таассурот қолдирди.

Мактаб директори Ҳасан Исматуллаев, илмий бўлим мудири Дилбар Пулатовалар билан гурунглашаётиб, уларда айрича бир завқ, ўз ишидан ҳузурланишни ҳиссиётдан. Ушбу завқ сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, деган фикр ўтди хаёлимдан...

Асқар ШОКИР.

Бу кунларга етганлар бор...

ТОҲИР ЧИҒАТОЙДАН ҚОЛГАН ИЛМИЙ МЕРОС

Профессор Тоҳир Чиғатой бизга қандай илмий мерос қолдирган? Уларнинг аҳамияти нималардан иборат?

Бунинг учун Тоҳир Чиғатойнинг 1930 — 1970 йиллар оралиғида Германия ва Туркиядаги турли матбуот нашрларида босилган ўзбек, турк, немис, инглиз тилларидаги «Советлар жаннатида» (1931), «Туркистон совет матбуотига бир қараш» (1932), «Имло масаласи атрофида» (1934), «Туркистон миллий адабиёти ва адиблари фожиасига доир» (1935), «Туркистон миллий адабиёти атрофида» (1937), «Советлар Русиясида миллатлар масаласи чўзилмишдир» (1971), «Буюк туркийлик фидойиси Аёз Исҳоқий» (1974) каби мақолалари, «Туркистон милий мафкураси ва Алишер Навоий» (Берлин, 1939), «Туркистонда туркчилик ва халқчиллик» (Истанбул, 1951, 1954), «Қизил империализм» (Истанбул, 1958, 1962, 1967, 1969) китобларини кузатиш характерлидир. Олим ўзининг мазкур мақола ва китобларида асосан Чор империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати, ўлкада олиб борган иқтисодий-сиёсий ва маданий зулмлари, бу сиёсатга қарши юртимизда бошланган маърифатчилик ва жадидчилик ҳамда миллий уйғониш ва истиқлол учун кураш ҳаракатларини бой тарихий, адабий фактлар асосида ёритади. Туркистон миллий мухторияти ва Алаш Урда Миллий давлатининг большевиклар томонидан зўравонлик билан йиқитилиши ва ҳаракат раҳнамоларининг сўнгги огир қисматларини кўрсатади.

Бу зулм ва истибдод ҳам мустамлакачилик сиёсатини Ўрта Осиёда, айниқса, совет даврида кучайиб, 30 — 40-йилларда қонли террорчилик тусини олиши ва уларнинг бу ерлардаги ўзбек, қозоқ, туркман ва бошқа халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳам адабий ҳаётларига кўрсатган фожиали таъсирларини уларнинг ўз матбуот ва адабиёт материалларини таҳлил қилиб очиб ташлайди. Масалан, у «Туркистонда миллий адабиёт ва адиблар фожиаси» (1935) мақоласида дастлаб Туркистондаги илк маърифатчилик, жадидчилик ва миллий истиқлол учун кураш ҳаракатлари ҳамда уларнинг Ўрта Осиёдаги Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон, Мирёқуб Давлат, Маҳжан Жумабой каби ўзбек, қозоқ шоир ва адибларига ижобий таъсирлари ҳақида фикр юритади. Шунингдек, мақолада Октябрь тўнтариши, большевистик режимнинг тоталитар тузуми сиёсати бошлангандан кейинги аҳволнинг умумий маданий ва адабий ҳаётга фожиали таъсирига тўхталади. Ўрта Осиёдаги Советлар идеологиясига бўйсундирилган адабий танқиднинг большевистик мафкурадан тойиб, бирон бир миллий руҳ ва кайфиятларни ўтказишга бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан шубҳаланиб танқид остига ола бошлаганлиги ва шу йўл билан адабиётга бўлган советлар сиёсати қафасини мустаҳкамлашга, ижод эркинлигини йўқота боришга хизмат қилганликларини фош қилиб, шундай деб ёзади: «Замон югурди, инқилоб оташи кенгайди, кучайди. Инқилобга боғланган умидларда туғаниб, қўлтиғдаги тарвузлар сувга тушди. Совет Русия ҳокимияти таъсис этди. У ҳеч бир соҳада ўз сиёсатини олиб бўлмайтурғон бир нарсада қолдирмоқ истамади. Туркистонда ҳар ким ва ҳар нарса ёлғиз Совет Русия манфаатина хизмат этмиш эди. Шоир ва адибларда ёлғиз унинг пропагандасина ярарлик мавзуларнигина олиб, унинг истадиги бир шаклда таҳлил ва тарғиб этмоқда эдилар. Бу кунгача «Ўён, қозоқ!» «Туркистон», «Туркистон хонлари», «Темур саганаси», «Уғузхон», «Ҳинд ихтилолчилари», «Чин севиш», «Ёрқиной», «Фарғона ғузали», «Ўтган кунлар» каби қатор асарларни ўртага қўйган шоир, адиблар энди бутунлай ҳақиқатнинг терсини адо этиб ўртага чиқмоқда эдилар. Ўнлар Туркистон халқина Совет Руссиясининг «халоскорлигиндан», «кечаги ота-онаси, ога-инисини ўлдирган рус солдатини, ерини, мулкини, бунингла ҳаёт манбаини тортиб олиб ўлтурғон рус мужигини «бир туғушган қардоши», «ҳуррият киритган халоскор» деб кўрсатмоқда эдилар. Туркистонли адиб, шоир ўз халқина, Темурдан, Тўхтамиш, Облой, Кенесари хонга қадар бутун Туркистон тарихи қаҳрамонларини Туркистон халқининг душманлари, унга зараргина келтирган унсур сифатида кўрсатишга мажбур тутулди. Бу руҳни танимаган бу кунгача яралган асарларда ўртадан кўтарилди...

... Бу кун профессор бўлиб, ёшини элликка уруб юборган Фитрат Туркистон миллий адабиётинда бир мактаб эгаси деярлик бир ёзувчидир. Унинг асл, нормал бир санъаткор учун лозим бўлгон шароит ичинда ёздиги асарларининг қайсисини олсангиз оздир, кўпдир муваффақиятини инкор этолмайсиз. Энди унинг совет қафасина кириб, совет сиёсатина уюб ёзмоқ истадиги асарларини олсангиз бу ерда аксини кўрасиз. Чунки, бир нечасинда адиб бир санъаткор учун лозим бўлгон бутун шароитга эга бўлгонлиги, материалларини ишлаш, типларини яратиш ва асарина форум беришинда ўзининг санъаткор туйғуси ва виждони ҳукминдан бошқа бир чор-чева кўрмаган эди. Сўнгиларида эса у на ўз қаноатини, санъат туйғусини, виждон ҳукмини ва на-да текширмаси натижасинда айтидиги ҳақиқий манзарани бера олиш имконинда эди.

У билакс тарихий, ижтимоий ҳақиқатларга қарши зўрлама ёлгонлар қўлланмоқ мажбуриятида эди» («Ёш Туркистон», Берлин, 1935, № 68, 22-бет).

Профессор Тоҳир Чиғатой «Туркистонда туркчилик ва халқчиллик» асарининг биринчи қисмида (Истанбул, 1951) туркчилик ва халқчилликнинг юртимиздаги қадимий манбалари — Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий каби адабий сиймолар, Темур ва Бобур каби бобокалон шоҳ ва саркардаларимизнинг ўринларига катта баҳо берса, у асарнинг иккинчи қисмида (Истанбул, 1954) асарнинг биринчи қисми ва айтилган тезисларнинг давоми сифатида Туркистоннинг Темур, Бобурлардан кейинги иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётининг аҳволига тўхтайди. Бу жилдда асосий диққатни Ўрта Осиёнинг чоризм томонидан босиб олингандан кейинги иқтисодий-сиёсий аҳволи, бу ердаги хонлик, амирлик давридаги жаҳолат ва қолоқлик ва чор мустамлакачилиги сиёсатининг салбий оқибатларини кўрсатишга қаратади. Туркистондаги бу мавжуд қолоқлик ва жаҳолат ҳам рус мустамлакачилик сиёсатига қарши ўлкада бошлаган маърифатчилик, жадидчилик ҳаракатлари ва миллий истиқлол йўлидаги курашлар, уларнинг Марказий Осиёдаги ўзбек, қозоқ ва бошқа халқларнинг Абай, Аҳмад Бойтурсун, Мирёқуб Давлат, Маҳжан Жумабой, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпон ва бошқа илғор зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари ва адабий ижодларига кўрсатган ижобий таъсирларини кўрсатди. Уларнинг асарларидан айрим намуналар бериб, асарларни таҳлил қилади.

Миллий мухторият ҳукуматининг йиқитилган маркази Қўқон шаҳрининг рус большевик кучлари томонидан ёндирилган ва бутун Фарғонада қўзғалган халқ ҳаракатини энг даҳшатли чоралар билан бостирган бир даврда ёзган «Эй, ғузал Фарғона» шеъри Чўлпон юртининг кечирган аламларини ва орзу-умидларини шундай акс эттирган эди. Бу шеър профессор Тоҳир Чиғатой («Туркистонда туркчилик ва халқчиллик», иккинчи бўлим, Истанбул — 1954, 31 —34, 45 — 46-бетлар) китобида айнан берилади:

Эй ғузал Фарғона қонли
қўйлагингдан айланай,
Тарқалиб кетган қаро, вахший сочингга боғланай,
Вахший бир ўрмон каби бағрингни босмишдир қамиш,
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш.
Кенг, чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,
Бир қаро парда босибдир тупроғингни устини,
Кўзларинг сўлган, ўлик руҳинг билан боқдинг менга
Қутулишнинг юлдузи асло кўрунмасми сенга?
Ул баланд, зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?
Йўқмидир ўткир қилич кесмакка ёвларнинг қўлин?
Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун.
Бул қадар қонлар тўкулди, ул тағида сен учун,
Йиғлама юртим агарчи бу кунингда йўқ баҳор.
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Профессор Тоҳир Чиғатойнинг мазкур илмий меросини ўрганиш бугунги кунда фақат ўзбек халқинигина эмас, балки Марказий Осиёдаги қозоқ, қиргиз, туркман каби барча қардош халқларнинг ҳам тарихий ҳаёти, уларнинг бир-бирлари билан бўлган ўзаро адабий-маданий алоқалари, Чор мустамлакачилик ва совет тоталитар тузуми шароитидаги ҳаёти, Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши олиб борилган маърифат ва истиқлол учун курашлар тарихи ва уларнинг бугунги мустақиллик кунлари учун ибратли томонларини ўрганиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шерали ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг катта илмий ходими.

Суратда профессор Тоҳир ЧИҒАТОЙнинг қабри.

САВОД АЛИФБЕСИ

чизиқлар чизиш. Чиройли ёзув қоидалари билан таништириш.

3-дарс. Пасти ва усти илмоқли чизиқлар чизиш. Ёзув қоидаларини ўргатиш.

4-дарс. Тепаси ва ости илмоқли чизиқлар чизиш. Ёзув қоидасига амал қилиш қуниқмасини ҳосил қилиш машқлари.

5-дарс. Ости ва юқориси ҳалқали чизиқлар чизиш.

6-дарс. Бош ва кичик Оо ҳарфларини ёзиш. Чиройли ёзув қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.

7-дарс. Бош ва кичик Уу ҳарфларини ёзиш. Тўғри ва чиройли ёзув малакаларини ривожлантириш.

8-дарс. Бош ва кичик Ии ҳарфларини ёзиш. Чиройли ёзишга ўргатиш.

10-дарс. О, У, У, И ҳарфларини ёзишни мустаҳкамлаш. Ёзув қоидасига амал қилишни назорат қилиш.

11-дарс. Кичик а ҳарфини ёзиш.

12-дарс. Бош А ҳарфини ёзиш.

Алифбо даври (98 соат)

1. Ўқишга ўргатиш (49 соат).

13-дарс. Н товуши, бош ва кичик Нн ҳарфлари. Нон ҳақида суҳбат.

14-дарс. Н товуши, бош ва кичик Нн ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Расм асосида суҳбат.

15-дарс. Л товуши, бош ва кичик Лл ҳарфлари. Расм асосида лайлак ҳақида суҳбат ўтказиш.

16-дарс. Л товуши, бош ва кичик Лл ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Расм асосида «Она тили» мавзуида суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

17-дарс. М товуши, бош ва кичик Мм ҳарфлари. Расмга қараб «Олмазор» мавзуида суҳбат.

18-дарс. М товуши, бош ва кичик Мм ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Расм асосида мушук ҳақида суҳбат.

19-дарс. Қ товуши, бош ва кичик Кк ҳарфлари. Расм асосида қалам ҳақида суҳбат.

20-дарс. Қ товуши, бош ва кичик Кк ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Расм асосида суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

21-дарс. Т товуши, бош ва кичик Тт ҳарфлари. «Олтин тарвуз» эртаги.

22-дарс. Т товуши, бош ва кичик Тт ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Расм асосида «Товуқ фермаси» мавзуида суҳбат.

23-дарс. С товуши, бош ва кичик Сс ҳарфлари. «Бозор растаси» расми асосида суҳбат.

24-дарс. С товуши, бош ва кичик Сс ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Бозор растаси» расми асосида суҳбат. Синфдан ташқари ўқиш.

25-дарс. Б товуши, бош ва кичик Бб ҳарфлари. «Бобо насиҳати» мавзуида суҳбат.

26-дарс. Б товуши, бош ва кичик Бб ҳарфлари (мустаҳкамлаш). Китоб ҳақида суҳбат.

27-дарс. К товуши, бош ва кичик Кк ҳарфлари. Расм асосида суҳбат.

28-дарс. К товуши, бош ва кичик Кк ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Китоб» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

29-дарс. Д товуши, бош ва кичик Дд ҳарфлари. Расм асосида суҳбат. «Дуст» матнини ўқиш.

30-дарс. Д товуши, бош ва кичик Дд ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Дусмат ака» матнини ўқиш.

31-дарс. Р товуши, бош ва кичик Рр ҳарфлари. «Расул»матни.

32-дарс. Р товуши, бош ва кичик Рр ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Одобли Рустам» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

33-дарс. Й товуши, бош ва кичик Йй ҳарфлари. «Йўлбарс йили» матни.

34-дарс. Й товуши, бош ва кичик Йй ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Яқин дўстлар! матнини ўқиш.

35-дарс. Э товуши, бош ва кичик Ээ ҳарфлари. «Эркни қадрла» матнини ўқиш.

36-дарс. Э товуши, бош ва кичик Ээ ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Элбек» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

37-дарс. З товуши, бош ва кичик Зз ҳарфлари. «Зилола» матнини ўқиш.

38-дарс. З товуши, бош ва кичик Зз ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Куз» матнини ўқиш.

39-дарс. В товуши, бош ва кичик Вв ҳарфлари. «Миннатдор бўлди» матнини ўқиш.

40-дарс. В товуши, бош ва кичик Вв ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Увол бўлмасин» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

41-дарс. Г товуши, бош ва кичик Гг ҳарфлари. «Ғузал Ўзбекистон» матнини ўқиш.

42-дарс. Г товуши, бош ва кичик Гг ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Гулнора» матнини ўқиш.

43-дарс. Нг товуши, бош ва кичик Нгнг ҳарфлари. «Тонг» матнини ўқиш.

44-дарс. Нг товуши, бош ва кичик Нгнг ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Нон ва бойлик» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

45-дарс. Ғ товуши, Ғғ ҳарфлари. «Ёнғоқ» матнини ўқиш.

46-дарс. Ғ товуши, бош ва кичик Ғғ ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Қаноат» матнини ўқиш.

47-дарс. Ҳ товуши, бош ва кичик Ҳҳ ҳарфлари. «Ҳасан» матнини ўқиш.

48-дарс. Ҳ товуши, бош ва кичик Ҳҳ ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Сув — ҳаёт манбаи» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

49-дарс. Ш товуши, бош ва кичик Шш ҳарфлари. «Шоли» матнини ўқиш.

50-дарс. Ш товуши, бош ва кичик Шш ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Ақлли бола» матнини ўқиш.

51-дарс. П товуши, бош ва кичик Пп ҳарфлари. «Пандлар» матнини ўқиш.

52-дарс. П товуши, бош ва кичик Пп ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Полизда» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

53-дарс. Ч товуши, бош ва кичик Чч ҳарфлари. «Чупон бобо» матнини ўқиш.

54-дарс. Ч товуши, бош ва кичик Чч ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Чумчуқ» матнини ўқиш.

55-дарс. Х товуши, бош ва кичик Хх ҳарфлари. «Хат» матнини ўқиш. Хат — мактуб ҳақида тушунча бериш.

56-дарс. Х товуши, бош ва кичик Хх ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Оқибат» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

57-дарс. Ф товуши, бош ва кичик Фф ҳарфлари. «Фаррухфазогир» матнини ўқиш. «Фазогир» сўзи луғавий маъноси ҳақида тушунча бериш.

58-дарс. Ф товуши, бош ва кичик Фф ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Иттифоқ» матнини ўқиш.

59-дарс. Ж товуши, бош ва кичик Жж ҳарфлари. «Жавлон ақлли бола» матнини ўқиш.

60-дарс. Ж товуши, бош ва кичик Жж ҳарфлари (мустаҳкамлаш). «Аждаргор» матнини ўқиш. Синфдан ташқари ўқиш.

61-дарс. Тўғуқ белгиси. «Бекорчи бўлма» матнини ўқиш.

62-дарс. «Алифбо» шеъри. такрорлаш

Эслатма:

1. Ўқиш дарсларида болалар нуқтини ўстириш, луғат бойлигини ошириш мақсадида ўқитувчи ҳар бир дарсда луғат устида ишламоғи зарур.

2. Синфдан ташқари ўқиш ҳафтада бир марта ўқиш дарсининг 15-20 дақиқасида ўтказилади.

3. Юқорида берилган матнларда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ҳарфлари газета имкониятларини ҳисобга олиб, кирилл ёзувида берилди.

Ёзув дарслари ҳақида

Юқорида тайёргарлик даврининг ёзув дарслари режаси берилди.

Алифбо даврида ёзув дарсларига эса 49 соат вақт ажратилади. Ҳар бир ҳарф соатдан — олдин кичик ҳарф имлоси, кейинги соатда бош ҳарфларни ёзиш имлоси ўтилади. Ёзув дарслари алифбо дарсларини ўтиш билан бир вақтда ташкил этилади.

Бу дарсларни ўтишда биринчи ёзув дафтари ва иккинчи ёзув дафтарида намуналар кўрсатилган.

Дафтарда ҳарфлар имлосини ў

ТОЛИБНОМА

ИБРАТЛИ УМР САБОҚЛАРИ

Ғайбулла Саломов адабиёт муаммолари, жумладан таржима санъатига бағишланган 20 дан зиёд китоблар, дарсликлар, 200 га яқин мақолалар муаллифидир. Кейинги йилларда унинг «Ваҳийдан келур бир садо», «Армон» номли публицистик китоблари чоп этилди. Уларда муаллиф инсон ҳаёти, унинг жамиятдаги ўрни, умр моҳияти ҳақида мулоҳаза юритади. Бу асарлар ибратли ҳикоятларга, мушоҳадага ундовчи фикрларга бойлиги билан китобхонлар эътиборини қозонди.

«Толибнома» асари ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ бу асарни ёзишга устоз алоҳида иштиёқ, меҳр билан киришган. Бу бежиз эмас. Зеро, буюк келажагимиз яратувчилари булган ёшларга Ғайбулла ас-Саломнинг алоҳида айтадиган гаплари, ўгитлари бор: «Талаба, энг аввало, толиби илм демакдир, — дейди муаллиф. — Бас, талабанинг эл-юртга садоқати, фидойилиги, ватанпарварлиги илм исташида, илм излашида, илм топишида, билим чуққиларини эгаллашида намоён булади...» У фурсатнинг қадрига етишни, бугунги ишни ортга сурмасликни қайд этар экан, таъкидлайди: «Эртага» — «бугун»нинг зўр душманидир.

Устоз толиблик насиб этган ёшларни хаёлан қутлар экан, уқув жараёни, ётоқхонада яшаш, жамоат ишлари чамбарчас боғлиқ, туташ илдизларга қиёслайди. Уларнинг бирлигини таълим-тарбия аталувчи яхлит, мураккаб жараённинг уч таркибий қисми деб атайди.

Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар лукма, агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас у кафан
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир.

Мирзо Абдулқодир Бедил қаламига мансуб ушбу сатрлар назаримизда китобнинг моҳиятини ўзида ёрқин мужассам этади. Устоз ёшларга мурожаат этар экан, ўзининг кимнинг фарзанди эканини, яъни қандай буюк аждодлар ворисилигини унутмасликка даъват қилади. Юқоридаги шеърий сартларда таъкидлангани каби Ҳаёт аталмиш улуғ Муаллимдан сабоқ олиб яшашга ундайди. Бир ўринда муаллиф қўйидаги мулоқотни келтирадики, у халқимизнинг «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл», мақолини ёдга солади: Эмишки, ота фарзандидан унинг учун падари ё устози мўътабарроқ эканини сўрабди. Шунда ўғил — албатта, устозим, — деб жавоб қилган экан. Отанинг таажжубига фарзанд қўйидаги асосни келтиради: «Сиз мени осмондан ерга туширдингиз, Устозим мени ердан осмонга кўтарди». Муаллиф шу ўринда жаҳон маънавияти хазинасини беқиёс ганжиналар билан бойитган улуғ аждодларимизнинг муборак номларини санар экан, улар ҳам ёшлигидан устозлар этагини тутгани, улуғлар йўлини давом эттирганлари учун юксак ютуқларни қўлга киритганини таъкидлайди. Шу ўринда «Толибнома» ҳам устозу-шогирдлик анъаналари маҳсули эканини таъкидлаш жоиз. Чунки, унинг дунёга келишида Ғайбулла ас-Саломнинг шогирди, доцент Сайди Умирнинг катта ҳиссаси бор. У устоз ёзганларини оққа кўчириш билан бирга китобга янги фасллар ҳам қўшган.

«Толибнома»нинг муқобил сарлавҳаси бежиз «Сени ўйлайман, болам», деб номланмаган. Уни ўқишга киришар экансиз, ажиб меҳр булоғидан руҳингизни покловчи, улғайтирувчи оби ҳаётга қонаётгандек ҳис этасиз. Ўзингизни сизга озор етишидан жони оғрийдиган Мураббий паноҳида турганлек туясиз. Устоз танлаган самимий тил беихтиёр сизнинг ишончингизни ўзига мойил қилади.

Китобни ўқиётган китобхон мутолаа жараёнида муаллифнинг тили ниҳоятда ўзбекча, кам деганда шарқона эканига эътибор қилмай иложи йўқ. Унда биз кўпинча тилимизда муқобили йўқ деб келинган оврупоча сўзларнинг ҳам маънодоши қўлланадики, уни зудлик билан луғат бойлигингизга қўшишга интиласиз. Ана шундай сўзлардан айримлари «жода» (субординация), васиқа (диплом) каби қаломлардир.

Халқимизда минг эшитгандан бир кўрган афзал, деган мақол бор. Келинг, азизлар, «Толибнома»нинг ўзи билан бевосита танишайлик. Ўйлаймизки, китобнинг 12-фаслидан келтирилаётган ушбу парча нафақат талабаларга, балки сўз қадрини тушунадиган зиёлиларга ҳам кўп маънавий озиқ беради.

Қолаверса китоб ҳақида сизда тасаввур уйғотади. Сўзни мухтасар қилар эканмиз, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги китобнинг чиқишида кўмаклашиб ва талабалар учун қўлланма сифатида тавсия этиб катта савоб ишга бош қўшган.

К. АЛИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси катта муҳаррири.

ЯҚИН ҲАМРОҲ, КЎМАКДОШ ВА ТАЯНЧ

(Боши 1-бетда)

дан хурсандман. У менга энг яхши кўмакдош, азиз маслаҳатчи ва сирдош бўлиб қолди, десам янглишмайман»...

Мазкур сатрлар Қашқадарё вилояти Баҳористон тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, тажрибали ўқитувчи Аврор Қиличев мактубидаги дил сўзлари. Бундай мазмундаги хатхабарларни «Маърифат» ихлосмандлари бўлган кўплаб муштарийларимиз ҳам тез-тез йўллаб, ўз маслаҳат, истак ва таклифлари билан таҳририятимизни қўллаб туришибди. Улар газетамизга узлуксиз обуна бўлиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан унинг мундарижасини бойитишга ҳисса қўшаётганликларидан беҳад миннатдормиз, албатта.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиб, мамлакатимиз ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз бераётганлиги халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга ҳам шарт-шароитлар яратди. Узига хос, узига мос тараққиёт йўлидан бораётган келажаги буюк мамлакатнинг ўзига хос мактаби ҳам бўлиши керак. Республикамизда олиб борилаётган мактаб ислоҳотининг ҳам асл мақсади ана шу! Ўзбекистон раҳбариятининг халқ таълимини ривожлантиришни тараққиётнинг устивор йўналишларидан бири қилиб белгилаганлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, Президентимизнинг ва ҳукуматимизнинг бу соҳага оид фармонлари ва қарорларини изчил бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар «Маърифат» газетаси мазмун мундарижасида ўз аксини топяпти. Газета бу ўринда оммавий ахборот воситаси сифатида тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчилик вазифасини адо этаётир.

Халқ таълими ижрочиларига —ўқитувчилар, тарбиячилар, таълимни бошқарув ходимларига газета материаллари орқали амалий ёрдам кўрсатиш «Маърифат»нинг бош мақсадидир. Унинг келгуси йил режалари ҳам катта. Таълим мазмунидаги туб ўзгаришларга таҳлилий ёндашиш, тест-синовлари, янги дастурлар, рейтинг тизими муаммолари, билимни баҳолашнинг янги давлат стандартлари бўйича материаллар берилади. Тажриба-синов майдонларидан таҳлилий очерклар ёритилади. Таълим-тарбия ишида муҳим манба буладиган дурдона қадриятларимиз, маънавият масалалари, тарбиявий ишдаги илғор тажрибалар муштарийларга ҳавола қилинади. Умуман, «Маърифат»га обуна бўлган кишилар хонадонига газета орқали маърифат, маданият, янгича руҳ олиб киришга интиламиз, умид ва орзуларингизнинг рўёбга чиқишига кўмаклашамиз.

Азиз муштарийлар! Сизларга доимий ҳамроҳ, кўмакдош ва таянч бўлиш учун «Маърифат» энг асосий мавзуларини ўз ихлосмандларининг истак ва таклифлари асосида ёритади. Бундай мавзуларни биз ҳозирдаёқ бошлаганмиз. «Бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам» рукни остидаги илк материаллар бунинг дебочасидир.

Албатта, «Маърифат» ҳар бир мактаб, боғча, олий ва ўрта махсус ўқув юрти, таълим ва илм-фан муассасасига, ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, педагог олим, ота-она хонадонига кириб боришини истардик. Шунинг учун азиз муштарийларимизга эслатмоқчимиз:

Шу йил 25 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Маърифат»га ҳам 1997 йил учун обунани расмийлаштириш бошланди. Газетамизга ўз вақтида обуна бўлсангиз, у мунтазам хонадонингизга етказиб берилади. Обуна бўлиш чакана савдодан харид қилиб олишга нисбатан иқтисодий фойдали ва қулайдир. Қулайлиги шундаки, «Маърифат» чакана савдога кам миқдорда чиқарилиб, асосан обуначиларга тарқатилади.

Бу йил обуна баҳосини белгилашда табақалаштирилган усулдан фойдаланилганини ҳам Сиз муштарийларга айтиб қўймоқчимиз. «Маърифат» обуна баҳосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатиш учун турлича миқдорда сарф-харажатлар кетиши ҳисобга олинган. «Маърифат» обунасининг якуний баҳоси таҳририят, қоғоз, буёқ ва бошқа босмахона харажатларига вилоят ҳамда туманлар ҳудудига ташиш, тарқатиш билан боғлиқ сарфиятлар қўшилган ҳолда аниқланади.

Хулгас...

ЯНА БИР «ДАВЛАТ СИРИ»

Вильнюслик прокурор Наримантас Стацкявичюс давлат сирлари руйхатига ўрта мактаб битирувчиларининг имтиҳон билетларини ҳам қўшиб қўйиш керак, деган таклиф билан чиқди. Литвада яқинда содир бўлган можаро шундай тухтамга келишга мажбур этди. Чунки, кўплаб битирувчилар имтиҳон билетлари билан олдиндан таниш чиқиб қолишмоқда экан. Тергов хўп «кавла-кавла»дан сўнг айбдорларни топди. Бир неча марта сўроқ қилди. Лекин тўсатдан жараён тўхтаб қолди. Сабаби, мазкур ишнинг ҳеч қандай юридик асоси йўқ экан.

МАРАДОНАНИНГ ЯНГИ МОЖАРОЛАРИ

Буюк футболчининг бутун дунёни шов-шувларга тўлдириб ташлаган «ур-сурлари» тинчимай туриб, янгилари аланга олиб қолди. Яқинда у Аргентинада журналистларни қўрқитиб қўйиш мақсадида пневматик милтиқдан уларга қараб ўт очди. Испаниядаги можаро бундан ҳам ошиб тушди. Меҳмонхонага дискотекадан ширакайф бўлиб, кеч қайтган Марадона лифтда қамалиб қолди. Техниклар ёрдамида ундан чиқиб олгач, дуч келган нарсани отиб, синдириб ташлади. Эвазига 13 минг АҚШ доллари тўлаб, жавобгарликдан зўрга қутулди. Маҳаллий газеталарнинг дараклашича, Марадонага шуҳрат юки оғирлик қилиб қолган. Уни бироз енгиллатиш керак, шекилли.

ИТ ЭГАСИНИ ҚОПМАЙДИ

Ит эгасини қопмаслигини биласиз. Лекин тўппонча ўз эгасини отмаслигини эшитмаган бўлсангиз керак. Ана шундай антиқа қуролни америка полициячилари учун машҳур «Кольт» фирмаси ясашга киришди. Махсус мослама ўрнатилган ушбу тўппонча ўз эгасини таниб қолади ва уни ўғирлаб олган кишининг қўлида эса оддий ўйинчоққа айланади. АҚШда ҳалоқ бўлаётган полициячиларнинг ҳар олтидан биттасини ўз қуроли билан отиб кетишаётгани шундай тўппонча ясаш эҳтиёжини туғдирди. Фирма мутасаддиларининг огоҳлантиришига қараганда, янги қурол аввалгидан 50 фоиз қиммат, яъни 900 доллар турар экан.

КИМЛИГИНИ АЙТМАЙМАН

Чилидаги Атакама чўли шундай демоқда. Олимлар бу ерда мумиёланган жасадларни топишди. Уларнинг ёши 10 минг йил деб ҳисобланяпти. Жасадлар Миср эҳромларидаги лошлардан ҳам «қарироқ» экан. Қабилалар қандай қилиб бундай нозик мумиёлашнинг уддасидан чиқишган экан, деган муаммо олимларнинг бошини қотиряпти. Бундан ташқари, яна бир масала чиқиб қолди. Жасадларнинг кўриниши бугунги одамларникидан кескин фарқ қиларкан. Бундан билгичлар шундай хулоса қилишяпти: мазкур лошлар ер юзидаги аввалги цивилизациянинг вакиллари булса керак

... ана шундай гаплар.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«ТАБАССУМ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Беруний шаҳридаги Собир Эшжонов номли ўрта мактабда Қорақалпоғистон Республикаси жанубидаги мактабгача тарбия муассасаларининг «Соғломжон — Полвонжон» ҳудудий кўриктанлови бўлиб ўтди. Танловда Турткул шаҳри ва тумани халқ таълими бўлимлари, Беруний шаҳри ва тумани халқ таълими бўлимлари, Элликқалъа туман халқ таълими бўлимига қарашли энг пешқадам болалар боғчалари куч синашдилар. Олти босқичдан иборат бу кўрикда мактабгача тарбия муассасаларининг тарбияланувчилари узларининг зукколик ва эпчилликларини намойиш этдилар.

Ғолиблик Беруний шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Табассум» болалар боғчасига насиб этди. Ғалабага эришган дўмбоқчаларга Беруний шаҳар ҳокими муовини Феруза Бобожонова, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бўлим мудири Р. Низомитдинова, Беруний шаҳар халқ таълими бўлими мудири Э. Ҳасановлар эсдалик совғалари топширдилар.

Г. АЛЛАБЕРГЕНОВА.

Ҳойнаҳой, компьютер сирларини ўрганаётган бу жажжи болакайларни мактаб ўқувчилари бўлса керак?! — деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, улар пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 269-болалар боғчаси тарбияланувчилари. Дарҳақиқат, бу болалар боғчаси тумандаги 146-мактаб билан ҳамкорликда. Шунинг учун ҳам тарбияланувчилар компьютер билан биргаликда янги алифбони ҳам чуқур ўзлаштириб олишган.

СУРАТЛАРДА: *269-болалар боғчаси услубчиси Мавлуда Мирзоҳидова ва 146-мактаб ўқитувчиси Инобат Юсуповалар боғча тарбияланувчилари билан машғулот пайтида.*

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

12-фасл

ЎЙЛАЙМАН, ДЕМАК БОРМАН

1. ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ БУРИГА МУҲАББАТ

Инсоният қуллик асоратидан қутулганига минг йиллар бўлди. Қутулишга қутулдию, лекин қутулмади-да! Дуруст, қулдорлик жамияти емирилди. Гуломлар, чўрилар, мазлум ва мазлумалар озодликка чиққандай бўлди. Аммо кишилар онгида ва қалбида қуллик руҳияти, қарамлик, мутеълик, малайлик майллари сақланиб қолди. Сабаби, бу ниҳоятда яшовчан, шилқим, юқувчан иллат экан. Қарабсизки, биров-бировнинг минатини чекади, бирови бошқа бировига пул қистириб қун кўради. Одамлар бир-бирларига зўғум қилади. Биров амалнинг қули. Лавозим илинжида. Бошқа бири хўжайиннинг малайи. Юғурдак.

«Қуллар қул бозорида ошкор, эркин сотилган замонлар ҳам бўлган-а!» — деб ўткир заҳарханда қилади поляк адиби Станислав Ежи Летс.

Француз шоири Жан Лафонтенда шундай масал бор. Тоғлар, қирлар, чўлу-саҳролар оша ризқ-рўз қидириб, биқини ич-ичига ботиб кетган оч бўри ногаҳонда ҳайҳотдай бир қўрғонга тушиб қолади. «Бўрини оёғи боқади» деб бежиз айтмайдилар... Қўрғон саҳнида тимирскиланиб ҳўрак қидириб юраркан, бир бурчакда ўзига ўхшаш махлуқотга дуч келади. Бу ит эди. О-ҳо! Қарасаки, итнинг егани олдида, емагани кетида. Иззат-ҳурмати жойида. Туппа-тузук «одамдай» яшаб ётибди. Иссиққина, тоза, шинам уй. Кўппак тўқлигидан ялтираб, тўнгиздай семириб кетган.

— Эҳ-ҳе, ишларинг бажо-ку, кучукбой оғайни, дебди қашқир оғзидан сўлакайи оқиб. — Ошиғинг олчи. Бўл-бўл, Ит бўл экан-да. Нечук? Қанийди мен ҳам сен бўлсам! Қорнинг тўқ, кайфинг чоқ экан сенинг. Ўвв!

— Бўлмасам-чи, — ялтоқланади кучук, — турт маҳал овқат тайёр. Ҳатто анови одамлар емаган тансиқ нарсаларни тановул қиламан! Ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди қашқиржон. Қиладиган ишим: мабодо қўрага ўғри келса, хўжайинни огоҳлантираман: вов-вов-вов! Ҳаммаларининг, айниқса, уй бекаси Кобелина Волфнинг жонидилиман. Мендан ҳеч нарсани аямайди..

— Вой-бўй! Мен ҳам шу ерда қолсам қандоқ бўларкин, кўппаквой? Биргалашиб маза қилиб юрардик...

— Марҳамат, гарчи авзойинг бузуқ, жиндай ножинс хилидансан-у, сенга раҳм-шафқат юзасидан катта хўжайин ёки бекам билан гаплашиб бера қолай. Аҳволинг кўп ночор кўринади, биродар. Уларнинг шартига кўнсанг, бас. Йўқ дейишмас. Кобелина хонимнинг қўйнига қўл солиб кўрайин-чи...

— Қанақа шарт экан, ирр?..

— Э арзимаган нарса: бўйнингга мана меникидай чиройли занжир солишади-ю, ҳув анови бурчакка боғлаб қўйишади. Бир-биримизга қараб ириллашиб-вовиллашиб ётамиз. Тез орада кўникиб ҳам қоласан.

— А? Занжир?! Боғлаб қўяди?! Ирр!.. Аттанг, шуниси менга тўғри келмас экан, биродари Кўппакий. Занжир-панжиринг ўзингга сийлов. Ораста, қорним тўқ бўлиб бу олтин қафасда диққинафас қамалиб ётгандан кўра, улганим яхши. Очюпун бўлсам-да, саҳрома-саҳро, чўлма-чўл, дашту биёбонларда шамолдай эркин кезиб юрганим минг чандон ортиқ! — дебди-ю, қашқир жон ҳолатда қўрғон деворидан бир сакраб, ўзини кенг далага урибди...

Қизил мустабид салтанатнинг кишанларини соғиниб, ҳамон совуқ шимол тарафдан «нажот» кутиб ётган баъзи «итмижоз» қоринбойларни учраттанимда:

Ҳей, ҳеч бўлмаса анови бўридан ибрат олсанг-чи, одамзод! — деворгим келади-да, баъзан...

(Давоми бор)

Кўнгил битиклари

ХАЛҚОНА

I

Элак бўлса эплаб ол,
Сумбул сочни сеплаб ол.
Ҳусним сенга ёқмаса,
Ҳурликдан ҳақлаб ол.
Юлдуз кўпдир ой якка,
На керак чирой якка?
Ёнбошимда ёр йўқсан,
Жоним қўйдинг ҳалакка.
Ёр талашиб, зорим йўқ,
Учиб утар сорим йўқ.
Юрагимдан тошган мунг —
Куй кўпдиру торим йўқ.

II

Сочлари дора ёра,
Кўзи хумора ёра,
Кўзларимга келмади
Юрагим пора, ёра.
Висолига интилдим,
Инжитди ёра, ёра.
Инжитса-да мен унга
Боғландим бора-бора...

Савриниса ТОШТЕМИРОВА.
Тошкент шаҳри.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Республикамиз чарм қўлқоп усталари Анатолий Васильев номини ҳурмат билан тилга олишади. Умрининг 30 йилдан ортиқроғини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида боксчиларни тарбиялашга бағишлаган республикада хизмат кўрсатган тренернинг кўплаб шогирдлари Ўзбекистон биринчилиги ва халқаро мусобақаларда ғолиб чиқишган. Уларнинг аксарияти бугунги кунда ёшларга устозлик қилишмоқда.

Марказий ҳарбий спорт клубида 15-16 ёшдаги ўқувчилар ўртасида Анатолий Васильев хотирасига бағишлаб ўтказилган учинчи анъанавий халқаро хотира турнири бир ҳафта давом этди.

Турнирда 38 кгдан 85 кггача булган 18 хил вазн тоифасида ғолиблик учун қизғин кураш олиб борилди. Бу беллашувларда республикамизнинг Когон, Ангрен, Жиззах, Чирчиқ, Бекобод, Келес шаҳарлари, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши қошидаги спорт мактаби талабалари, Тожикистон Республикасининг Ҳужанд шаҳри спортчилари иштирок этишди.

Ёш боксчилар беллашувининг финал мусобақаларида оғир вазндаги спортчиларнинг чиқишлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Хотира турнири ғолиблари ва совириндорларига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Х. Ф. Маъсудов, вазирлик жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров ва таниқли спортчилар чемпионлик медаллари, диплом ва эсдалик совғаларини топширдилар.

* * *

МАОРИФЧИЛАР ЮТУҒИ

«Гулистон» ўйингоҳида Сирдарё вилояти корхона ва муассасалари спортчиларининг спартакиадаси бўлиб ўтди.

Спартакиада қатнашчилари волейбол, стол тенниси, сузиш, кичик футбол, шахмат, шашка ва бошқа спорт турлари бўйича қизғин кураш олиб боришди.

Мусобақаларда вилоят халқ таълими бошқармаси спортчилари ҳар жиҳатдан фаоллик кўрсатиб, спартакиада ғолиби бўлишди. Улар стол тенниси, волейбол, шахмат бўйича биринчи ўринни, кичик футбол бўйича иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Беллашувларда вилоят агросаноат уюшмаси вакиллари иккинчи, вилоят ички ишлар бошқармаси спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Спартакиада ғолиблари ва совриндорларига диплом ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Мухбиримиз.

Спорт

* * *

МУАЛЛИМЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Бўз тумани халқ таълими бўлими қошида муаллим ва тарбиячилардан иборат футбол командаси тузилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай янги футбол жамоаси мусобақаларда ўз услуби, ўрни борлигини кўрсата олди.

Яқинда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Камолот» жамғармаси Бўз туман булими томонидан ташкил этилган 12 та команда иштирокидаги футбол баҳсларида маорифчилар ғоятда фаол қатнашдилар. Улар финал учрашувларида 155-автобаза ҳамда М. Жалолов номли ширкатлар уюшмаси футболчиларини мағлубиятга учратиб, беллашув ғолиби бўлишди.

Маорифчилар футбол командаси «Камолот» жамғармаси туман бўлимининг 1-соврини — видеомагнитофон ҳамда туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Эндиги навбат, вилоят миқёсидаги беллашувларга!

Ҳасанбой РУСТАМ.
Андижон.

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти (700064, Глинка кўчаси, 3)
1996 йил учун аспирантурага
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА

Кундузги ўқиш учун: 01.01.06 — Метематик таҳлил; 07.00.02 Ватан тарихи; 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси; 09.00.05 — Этика; 09.00.06 — Дин ва ҳурфикрлилик назарияси ва тарихи; 10.01.02 — Ҳозирги замон ўзбек адабиёти; 10.01.03 — Ўзбек адабиёти тарихи; 10.02.02. — Ўзбек тили; 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси; 13.00.03 — махсус педагогика; 19.00.01 — Умумий психология; 19.00.07 — Ёш ва педагогик психология.

Сиртдан ўқиш учун: 07.00.02 — Ватан тарихи; 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси; 09.00.06 — Дин ва ҳурфикрлилик назарияси ва тарихи; 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси; 13.00.03 — Махсус педагогика; 19.00.07 — Ёш ва педагогик психология.

ЭРКИН ТАНЛОВЛИ АСПИРАНТУРАГА

01.01.06 — Математик таҳлил; 07.00.02 — Ватан тарихи; 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси; 09.00.05 — Этика; 09.00.06 — Дин ва ҳурфикрлилик назарияси ва тарихи; 10.02.02 — Ўзбек тили; 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси; 19.00.07 — Ёш ва педагогик психология.

Сиртдан ўқиш учун: 07.00.02 — Ватан тарихи; 09.00.01 — Диалектика ва билиш назарияси; 13.00.01 — Педагогика тарихи ва назарияси; 13.00.03 — Махсус педагогика; 19.00.07 — Ёш ва педагогик психология.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун 30 ёшдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 40 ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 2 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун буладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун аризалар институт ректорининг номига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади: Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа расми билан, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ва синов ва имтиҳонлар варақасидан кучирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танланган ихтисослиги бўйича машина ёзувида 20-25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан, фалсафа ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз, испан, итальян ва шарқ тиллари)дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда имтиҳонларни топшириш рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида қўшимча таътилдан фойдаланадилар.

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 октябргача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий-методик бўлимига (тел: 55-50-95), ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарига (55-52-30) мурожаат этиш мумкин.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти психология кафедрасининг доценти Тамара Ализовага онаси Анна Петровна КУЗНЕЦОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Асқар ШОКИРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5 6